

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ХОРАЗМ ВИЛОЯТИ  
ЯНГИБОЗОР ТУМАНИ  
ҲОКИМИ  
ҚАРОРИ



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI  
XORAZM VILOYATI  
YANGIBOZOR TUMAN  
HOKIMI  
QARORI

Ozbekiston Respublikasi Xorazm viloyati 221200 Yangibozor posyolkasi.  
221200 пос. Янгибазар Хорезмской области Республики Узбекистан Телефоны: 41-94-144, факс: 41-94-255,  
2018 йил «15» жануар

№ 622

Янгибозор шаҳарчаси

**Тумандаги транспорт воситаларини мажбурий техник  
кўриқдан ўтказиш тўғрисида**

“Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 й. 9-сон, 320-модда), “Йўл харакат хавфсизлиги тўғрисида”ги (Ўзбекистон Республикаси конун хужжатлари тўплами, 2013 й. 15-сон, 197-модда) Ўзбекистон Республикаси Қонунларига хамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 31 январдаги 54-сонли қарори билан тасдиқланган “Транспорт воситаларини мажбурий техник кўриқдан ўтказиш тартиби тўғрисида”ги Низомга (Ўзбекистон Республикаси конун хужжатлари тўплами, 2003 й. 1-2-сон, 17-модда) асосан 2018 йилдаги мажбурий техник кўригини ташкил қилиш мақсадида,

**ҚАРОР ҚИЛАМАН:**

**1. Янгибозор туман Ички ишлар бўлими Йўл харакати хавфсизлиги гурухи (Ж.Авезов) зарур шарт шароитларга (техник диагностика ускуналарига, кўтариш мосламаларига ёки қараб чиқиш учун чукурчаларга, назорат-ўлчаш асбобларида, асфальт ёки бетон қопланган бир текис горизонтал майдончага) ва малакали мутахасиссларга эга бўлган ташкилотларда ва техника хизмати кўрсатиш станцияларида, тумандаги юридик ва жисмоний шахсларга, шу жумладан хорижий юридик ва жисмоний шахсларга тегишли бўлган транспорт воситалари қуидаги даврийликка мувофиқ мажбурий техник кўриқдан (кейинги ўринларда матнда “техник кўрик” деб юритилади) ўтказилишини таъминласинлар:**

- а) туманда юридик шахсларга тегишли бўлган транспорт воситаларининг техник кўриги 1 мартадан 10 июнгача;
- б) тижорат асосида йуловчи ташиш учун фойдаланиладиган енгил автомобиллар, автобуслар ва ўтириладиган жойлар сони 8 та ва ундан ортик бўлган (ҳайдовчининг ўрнидан ташқари), одамларни мунтазам ташиш учун жихозланган юк автомобиллари, йирик габаритли, оғир вазнили ва хавфли юкларни ташиш учун маҳсус транспорт воситалари ва уларга тиркама бир йилда икки маротаба (1 мартадан 30 июнгача ва 1 сентябрдан 31 октябргача);
- в) жисмоний шахсларга қарашли бўлган транспорт воситаларининг техник кўриги 1 мартадан 31 августгача техник кўриқдан ўтказилсин.

Ишлаб чиқарилганлигига беш йилдан кўп бўлмаган транспорт воситалари икки йилда бир марта техник кўриқдан ўтказилсин, мазкур банднинг “б” кичик

бандида қайд этилган бир йилда икки марта техник кўрикдан ўтказилиши лозим бўлган транспорт воситалари бундан мустасно.

2. Янгибозор туманида транспорт воситаларини техник кўрикдан ўтказиш учун тузилган комиссия таркиби 1-иловага мувофиқ, юридик шахсларга карашли транспорт воситаларининг 2018 йилги мажбурий техник кўригини ўтказиш жадвали 2-иловага мувофиқ тасдиқлансан.

3. Техник кўрикдан ўтказувчи туман комиссияси:

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 31 январдаги 54-сон қарори билан тасдиқланган “Транспорт воситаларини мажбурий техник кўрикдан ўтказиш тартиб тўгрисида”ги низомнинг 7-бандига асосан транспорт воситалари техник кўрикдан ўтказанлиги учун (мототранспорт, тиркамалар ва ярим тиркамалардан ташқари) энг кам ойлик иш ҳақининг ўидан бир қисми миқдорида:

мототранспорт, тиркамалар яримтиркамалар техник кўрикдан ўтказганлиги учун энг кам ойлик иш ҳақининг **йигирмадан** бири миқдорида йифим ундирилсин.

Биринчи (олдинги) техник кўрикда носоз деб топилган транспорт воситалари такрорий техник кўрикдан ўтказилганлиги учун белгиланган миқдорларда йифим ундирилади.

Мазкур қарорининг 1-банди “б” кичик бандида кўрсатилган транспорт воситалари иккинчи марта техник кўрикдан ўтказилганлиги учун йифим ундирилмайди.

4. Транспорт воситаларни техник кўрикга жалб қилишда Янгибозор туман ички ишлар бўлими Йўл ҳаракати хавфсизлиги гурухига, маҳалла фуқаролар йигини раислари, туман ички ишлар бўлими ходимлари жамоатчилик асосида амалий ёрдам кўрсатилиши тавсия қилинсин.

5. Мазкур қарор қабул қилиниши муносабати билан Янгибозор туман ҳокимининг 2017 йил 24 февралдаги 541к-сон қарори ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансан.

6. Янгибозор туман ички ишлар бўлими Йўл ҳаракати хавфсизлиги гурухи, транспорт воситаларнинг техник кўриги натижалари бўйича туман ҳокимлигига 2018 йил 10 ноябргача ёзма ахборот бериш вазифаси топширилсин

7. Ушбу қарор туман ҳокимлигининг расмий нашри ҳисобланган “Янгибозор кўзгуси” газетасида эълон қилинсан.

8. Туман ҳокимлиги бош мутахассиси (Б.Пўлатов):

мазкур қарорни туман ҳокимлигининг yangibozorhokimiyat.uz расмий веб-сайтига жойлаштирилсин;

Янгибозор туман Ички ишлар бўлими Йўл ҳаракати хавфсизлиги гурухи (Ж.Аvezov) билан биргаликда ушбу қарорнинг мазмун моҳиятини ахолига гушинтириш ишларини олиб борсинлар.

9. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилишни ўз зиммамда колдирман.

ЯНГИБОЗОР ТУМАН ҲОКИМИ



О.С.МАДРАХИМОВ